



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

3 (77) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

3 (77)

2025

март

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.006.

ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ЖОЙЛАШГАН ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУХУМДОН РАКЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

¹Джуманиязова Ирода <https://orcid.org/0009-0007-2448-730X>

²Бахром Юлдашев <https://orcid.org/0009-0006-6954-4948>

¹Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²«Маъмун университети» Ўзбекистон Хоразм вилояти, Хива, Бол-ҳовуз 2.
тел: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

Мақолада Оролбўйи ҳудуди саналмиш Хоразм вилоятида тухумдон раklarини учраш миқдори, характеристикаси, ёшлар гуруҳлари бўйича тарқалиши, патоморфологик характеристикасини ўрганиш бўйича ўтказилган ишлар натижасида маълумотлар тақдим қилинган. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий -амалий маркази Хоразм филиалидан олинган бўлиб, 2021-2024-йиллардаги архив материаллари асосида 125 нафар аёлнинг ёмон сифатли ўсмалари ретроспектив таҳлил қилинди ва натижалар олинди.

Калит сўзлар: тухумдон раки, учраш миқдори, ўсмалар локализацияси.

ХАРАКТЕРИСТИКА РАСПРОСТРАНЕНИЯ РАКА ЯИЧНИКОВ В ХОРАЗМСКОЙ ОБЛАСТИ, РАСПОЛОЖЕННОЙ В ПРИАРАЛЬСКОМ РЕГИОНЕ

¹Джуманиязова Ирода <https://orcid.org/0009-0007-2448-730X>

²Бахром Юлдашев <https://orcid.org/0009-0006-6954-4948>

¹Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

²«Университет Маъмуна», Хорезмская область Узбекистана, г. Хива, Бол-ховуз 2.
телефон: +998 (90) 431-87-77 <https://www.goldenpages.uz/>

✓ Резюме

В статье приводятся данные о частоте встречаемости, характеристике рака, распространение по возрастным группам и данные по изучению патоморфологической характеристики рака яичника. Ретроспективный анализ рака яичников были проведены на материале Хорезмского филиала Республиканского специализированного научно практического центра онкологии Республики Узбекистан за 2021-2024 года, были изучены 125 случаев злокачественных опухолей.

Ключевые слова: рак яичников, частота встречаемости, локализация опухолей.

CHARACTERISTICS OF THE SPREAD OF OVARIAN CANCER IN THE KHORAZM REGION, LOCATED IN THE ARAL REGION

¹Jumaniazova Iroda <https://orcid.org/0009-0007-2448-730X>

²Bakhrom Yuldashev <https://orcid.org/0009-0006-6954-4948>

¹Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ *Resume*

The article presents information on the work carried out to study the incidence, characteristics, distribution by age group, and pathomorphological characteristics of ovarian cancer in the Khorezm region, which is considered the Aral Sea region. The data were obtained from the Khorezm branch of the Specialized Scientific and Practical Center of Oncology and Radiology of the Republic of Uzbekistan. Based on archival materials from 2021-2024, malignant tumors of 125 women were retrospectively analyzed and results were obtained.

Keywords: ovarian cancer, number of cases, localization of tumors.

Долзарблиги

Тухумдон раки (ТР) аёлларда энг кенг тарқалган ва нокулай ўсма касалликларидан биридир [Демидова И. А. 2017]. Тухумдон раки аёл жинсий аъзоларининг неоплазмалари орасида ўлим сони бўйича етакчи ҳисобланади. Дунёда ҳар йили 225 мингдан ортиқ аёлга тухумдон раки ташхиси қўйилади ва уларнинг 140 мингдан ортиғи вафот этади [Файзрахманов Р. Р., Шишкин М. М., 2017].

Жанубий Америкада стандартлаштирилган касалланиш даражаси 100,000 аёлга 5,8, ўлим даражаси 3,6 аёлни ташкил қилиб глобал касалланиш кўрсаткичдан паст (6,6 100,000 аёл учун), бу ерда ёшга стандартлаштирилган Худди шундай, Чилида ёшга қараб касалланиш ва ўлим кўрсаткичлари Жанубий Америкадаги кўрсаткичларга ўхшайди: 6 та касалланиш 100000 аёлга ва 3,6 та ўлим 100000 аёлга. Шунга қарамай, минтақадаги тухумдон раки гинекологик ёмон сифатли ўсмалар орасида мамлакатда касалланиш бўйича тўртинчи ва ўлим бўйича учинчи ўринда туради [ГЛОБОСАН 2021].

Ковалева О. В. ва бошқ. (2021) маълумотларни такрорлаб, 5 йиллик омон қолиш даражаси 30 дан 50% гача эканлигини кўрсатади. Жарроҳлик ва кимётерапия ютуқларига қарамай, рақдан ўлим даражаси юқориликча қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари, кеч ташхис қўйишдан ташқари, ўсимта хужайраларидаги генетик ва эпигенетик касалликларнинг мозаикаси ва даволаш пайтида уларнинг динамик ўзгариши бўлиб, бу кимётерапия танлашни мураккаблаштиради.

Тухумдон эпителиал ўсмаларининг патогенези масаласи йиллар ўтиши билан долзарб муаммога айланиб бормоқда ва янада кўпроқ тадқиқотчиларни жалб қилмоқда, бунинг асосий сабаби ўсманинг III-IV даврлари 5-йиллик омон қолиш даражасининг жуда паст 25 % кўрсаткичини ташкил қилишидир [Siegel R.L 2016]. Ўсманинг агрессив кечишига қарамадан Америка онкологик жамияти тухумдон рақларидан кейин омон қолиш кўрсаткичларининг кейинги ўн йилликда ортиб боришига ишонч билдирмоқда.

Юқорида келтириб ўтилганларга асосан тухумдон рақларининг учраш миқдори, айниқса экологик нокулай шароитларда, ёшга боғлиқ тарзда кузатилиши ва унинг патоморфологик хусусиятларини ўрганиш етарлича қизиқиш уйғотади.

Илмий ишнинг мақсади: Оролбўйи минтақасида тухумдон рақларининг учраш миқдори, ёшга боғлиқлик хусусиятлари, патоморфологик характеристикасини Хоразм вилояти мисолида, минтақага хос экологик ва ижтимоий омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш ва тавсифлаш.

Тадқиқот материал ва методлари

Ишнинг материали бўлиб Ўзбекистон Республикаси Онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази Хоразм филиалида 2021-2024-йилларда даволанишда бўлган 125 нафар аёлнинг касаллик тарихлари, патогистологик хулосалари, ҳамда архив материаллари ва парафин блоқлар олинди.

Тадқиқот натижасида олинган материаллар атрофлича таҳлил қилинди ва такрорий гистологик текширувлар амалга оширилди.

Натижа ва таҳлиллар

Тадқиқот учун олинган касаллик тарихларидан беморларнинг Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича жойлашуви, ёшлар гуруҳлари бўйича учраши, ўсмаларнинг гистологик характеристикаси бўйича гуруҳларга бўлиб ўрганилди.

Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича тухумдон рақларининг тарқалиши қуйидаги кўринишда бўлди: 125 та ҳолатнинг 20 таси Урганч туманига тўғри келиб бу барча ҳолатларнинг 26 % ни ташкил қилади, кейинги ўринда Урганч шаҳри ва Хива тумани 16 та ҳолатдан (25,6% дан), учинчи ўринда Хазорасп тумани 12 та ҳолат билан (9,6%) жойлашди ва 4 та ҳудуддаги ўсмалар учраши миқдори вилоят ҳудудларининг ярмидан кўпини яъни 51,2 % ташкил қилди. Кейинги ўринларда Боғот, Кўшкўпир туманлари 11 тадан ҳолат (17,6%), Янгиариқ тумани 10 та ҳолат (8%), Шовот тумани 9 та ҳолат (7,2%), Гурлан ва Хонқа туманларида 7 тадан ҳолат (11,2%), Хива шаҳрида 3 та ҳолат (2,4%), Янгибозор туманида 2 та (1,6%) Тупроққала туманида 1 та ҳолат (0,8%) қайд қилинди (жадвал 1).

Жадвал 1.

Тухумдон рақларининг Хоразм вилояти ҳудудлари бўйича тақсимланиши

N	Ҳудудлар	Абсолют сонда	Ҳоизда
1.	Хазорасп тумани	12	9,6
2	Урганч шаҳри	16	12,8
3	Урганч тумани	20	16
4	Янгибозор тумани	2	1,6
5	Гурлан тумани	7	5,6
6	Хива тумани	16	12,8
7	Хонқа тумани	7	5,6
8	Янгиариқ тумани	10	8
9	Тупроққала тумани	1	0,8
10	Шовот тумани	9	7,2
11	Кўшкўпир тумани	11	8,8
12	Боғот тумани	11	8,8
13	Хива шаҳар	3	2,4

Урганч тумани Урганч шаҳри ва Хива, Хазорасп туманларида тухумдон рақларининг бошқа ҳудудларга қараганда кўп кузатилиши, оилавий поликлиникалар, поликлиникаларда онкологик эҳтиёткорликнинг ва касалликни эрта даврларда аниқлаш бўйича аёллар орасида тарғибот ишларининг яхши олиб борилмаганлиги натижаси деб қараш мумкин, чунки уларга ёндош, бир шароитга эга бўлган ҳудудларда бундай ҳолатлар кузатилмади.

Касалликни ёшлар гуруҳлари бўйича таҳлил қилинганда қуйидаги ҳолат кузатилди: 18-44 ёш гуруҳидагилар орасида 21 та ҳолат қайд қилиниб барча ўсмаларнинг 16,8 % ни ташкил қилган бўлса, 45-59 ёш гуруҳидагилар орасида энг кўп 56 та ҳолатда қайд қилиниб 44,8% да кузатилди, 60-74 ёш категориясида 42 та ҳолат 33,6% ,75-90 ёшлилар орасида эса 6 та ҳолат кузатилди 4,8%. Ҳудудлар орасида 18-44 ёш категориясида қайд қилинган ҳолат Урганч туманига тўғри келиб 7 та ҳолатда кузатилган (33,3%), Хазорасп, Хива, Хонқа, Янгиариқ, Шовот туманларида 2 тадан ҳолат (47,6%), Гурлан, Боғот туманларида ва Урганч, Хива шаҳарларида 1 тадан ҳолат қайд қилинган (19,1%). Ўрта ёшдаги 45-59 ёш категориясидаги аёллар орасида ўсманинг учраши энг кўп ҳолатларда 565 та ҳолатда кузатилиб, ҳудудлар бўйича қуйидагича тақсимланди: энг кўп учраш Хива ва Урганч туманларида 8 тадан ҳолат (28,4%), Боғот туманида 7 та ҳолат (12,5%), Урганч шаҳри ва Кўшкўпир туманида 6 тадан ҳолат кузатилиб (21,4%) ни ташкил қилган бўлса, қолган ҳудудларда 5 та ҳолат Гурлан тумани (9%), Хазорасп, Шовот туманларида 4 тадан ҳолат (14,3%), Янгиариқ тумани 3 ҳолат (5,4%), Хонқа тумани 2 та ҳолат (3,6%), Янгибозор, Тупроққала туманлари ва Хива шаҳрида 1 тадан ҳолат кузатилиб 5,4% ни ташкил қилди.

60-74 ёшлилар гуруҳида ўсмаларнинг учраши 42 ҳолатда қайд қилиниб 33,6 % ташкил қилди ва вилоят ҳудудлари бўйича тарқалиши қуйидагича бўлди. Энг кўп ҳолат Урганч шаҳрида кузатилиб 9 нафар аёлда (21,4%) қайд қилинди, Хива туманида 6 та ҳолат (14,3%), Хазорасп, Кўшкўпир туманларида 5 тадан ҳолат (23,8%), Янгиариқ туманида 4 та ҳолат (9,5%), Урганч, Хонқа, Шовот туманларида 3 тадан ҳолат (жами 21,4%), Боғот тумани 2 (4,8%), Янгибозор тумани, Хива шаҳрида 1 тадан ҳолат (жами 4,8%) қайд қилинди.

75-90 ёшли гуруҳда 6 нафар аёлда тухумдон раки кузатилиб умумий кўрсаткичнинг 4,8% ни ташкил қилди ва энг кўп ҳолат Урганч туманида 2 (33,35%) ва 4 та ҳолат Хазорасп, Гурлан, Янгиариқ, Боғот туманларида кузатилди (66,65%) (жадвал 2).

Ўсмалар тухумдонлардаги локализацияси бўйича таҳлил қилинганда 18-44 ёшдаги аёлларда 21 та ҳолатдан 17 тасида улар иккала тухумдонда жойлашган (81%), 3 та ҳолатда ўнг тухумдон раки (14,2%) , 1 та ҳолатда чап тухумдон раки кузатилган (4,8 %) бўлса, 45-59 ёш гуруҳида бу кўрсаткич қуйидагича тақсимланди: иккала тухумдон раклари 56 та ҳолатдан 48 тасида кузатилиб 85,7% ни ташкил қилган бўлса, ўнг тухумдон раки 4 та ҳолатда , чап тухумдон раки ҳам 4 та ҳолатда қайд қилинди ва биргаликда 14,3 % ни ташкил қилди.

Жадвал 2. Тухумдон ракларининг ёшлар бўйича тақсимланиши

N	Худудлар	18-44 ёш	%	45-59 ёш	%	60-74 ёш	%	75-90 ёш	%	жами	%
1	Хазорасп тумани	2	1,6	4	3,2	5	4	1	0,8	12	9,6
2	Урганч шаҳри	1	0,8	6	4,8	9	7,2			16	12,8
3	Урганч тумани	7	5,6	8	6,4	3	2,4	2	1,6	20	16
4	Янгибозор тумани			1	0,8	1	0,8			2	1,6
5	Гурлан тумани	1	0,8	5	4			1	0,8	7	5,6
6	Хива тумани	2	1,6	8	6,4	6	4,8			16	12,8
7	Хонқа тумани	2	1,6	2	1,6	3	2,4			7	5,6
8	Янгиариқ тумани	2	1,6	3	2,4	4	3,2	0,8		10	8
9	Тупроққала тумани			1	0,8					1	0,8
10	Шовот тумани	2	1,6	4	3,2	3	2,4			9	7,2
11	Кўш-кўпир тумани			6	4,8	5	4			11	8,8
12	Боғот тумани	1	0,8	7	5,6	2	1,6	1	0,8	11	8,8
13	Хива шаҳар	1	0,8	1	0,8	1	0,8			3	2,4
14	Жами	21	16,8	56	44,8	42	33,6	6	4,8	125	100

Тухумдон ўсмаларининг локализацияси бўйича тақсимланиши Жадвал 3.

N	Жойлашиш локализацияси	18-44 ёш	%	45-59 ёш	%	60-74 ёш	%	75-90 ёш	%	Жами	%
1	Иккала тухумдонда	17	81	48	85,7	33	78,6	5	83,3	103	82,4
2	Ўнг тухумдонда	3	14,2	4	7,15	3	7,1			10	8
3	Чап тухумдонда	1	4,8	4	7,15	6	14,3	1	16,7	12	9,6
4	Жами	21	100	56	100	42	100	6	100	125	100

Кейинги 60-74 ёш гуруҳидагилар орасида ўсмалар локализацияси бўйича иккала тухумдон раки устунлик қилиб 42 та ҳолатнинг 33 тасида кузатилиб 78,6 % ни ташкил қилди. Ўнг тухумдон раки 3 та ҳолат (7,1%), чап тухумдон ўсмаси 6 та ҳолат (14,3 %) ни ташкил қилди.

75-90 ёш гуруҳидаги беморларда ўсмаларнинг учраши 6 та ҳолатда кузатилиб шунинг 5 таси иккала тухумдонда (83,3%) ва биттаси чап тухумдонда бўлганлиги аниқланди (16,7%) (жадвал 3). Бундан кўриниб турибдики тухумдон раклари локализацияси бўйича асосан иккала тухумдон шикастланиши боради ва жуда кам ҳолатларда бир томонлама кўринишда юзага келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулосалар қилиш мумкин.

Хулоса

Хоразм вилоятининг ҳудудларида тухумдон ракларининг учраш частотасини ўрганиш жараёни Урганч тумани, Урганч шаҳри, Хива, Хазорасп туманларида кўп учраб, бу туманларда онкологик хизматнинг ташкил қилиниши оқсаётганидан дарак беради, аёлларнинг қарийб 50 фоизида тухумдон раклари 45-59 ёшлар гуруҳида учраб, бу менопауза жараёнидаги гормонал ўзгаришлар билан боғлиқ деб қараш мумкин, ўсмалар локализацияси бўйича устунлик иккала тухумдонда кўп учраши кузитилиши билан борди, бу эса ёш аёлларда бепуштлиқ жараёнларини ривожланиши боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Демидова И.А. Наследственно обусловленный рак яичников / И.А. Демидова // Современная онкология. 2015;17(3):70-75.
2. Ковалева О.В. и др. Растворимые формы контрольных точек иммунитета при раке яичников // Клиническая лабораторная диагностика. 2021;66(2):80-86.
3. Ковалев О.И., Вторушин С.В., Кайгородова Е.В. Стволовые свойства опухолевых клеток асцитической жидкости у больных раком яичника: ключ к управлению распространением процесса // Бюллетень сибирской медицины. 2023;22(2):122-133.
4. Рыбалкина Д.Х. и др. Обзор современных эпидемиологических аспектов по онкопатологии // Гигиена труда и медицинская экология. 2015;4(49):31-48.
5. Siegel R.L., Miller K.D., Jemal A. Cancer statistics. // CA Cancer J Clin 2016;66:7-30.

Қабул қилинган сана 20.02.2025